

## ГУЛДИРОВМИ – ГУЛДИРОБМИ?

Гидронимлар – сув билан боғлиқ жой номларини ўрганиш халқимиз тарихи; этнографияси, деҳқончилик, суғориш иншоатлари тарихи билан боғлиқ кўплаб маълумотларга ойдинлик киритиши маълум. Ана шундай ҳолатни «Гулдиоров» гидроними ва қишлоқдаги бошқа сув билан боғлиқ жой номларида ҳам кузатиш мумкин.

Чортоқ туманининг Янгиқўрғон тумани чегарасида, қир-адирлар этагида, Қўриқ ва Қўшан қишлоқлари орасида Гулдиоров қишлоғи жойлашган. Маълумки, ҳар бир қишлоқнинг номланиш тарихи бўлади. Гулдиоров топоними ҳам ўзига хос тарихга эга қишлоқ номларидан биридир. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, XX аср бошларида Гулдиоровдаги булоқлар бирлашиб ҳосил қилган ариқнинг суви салкам 50 метр баландликдан шаршара сингари гулдираб оқиб тушган. Бу сувнинг овози Янгиқўрғон ва Қўшан қишлоқларигача эшитилиб турган экан. Шу сабабли бўлса керак, қишлоқнинг номи Гулдиروب деб аталган, яъни, гулдур-ўзбекча тақлид сўз, об-тожикча бўлиб, сув деганидир. Дастлаб Гулдиروب, гулдирайдиган сув, кейинчалик талаффузи ўзгариб Гулдиоров шаклига келган. Ҳозир Гулдуров ҳам ёзилади. Умуман олганда, Гулдиоровда булоқлар жуда кўп. Энг кўп булоқлар жойлашган адир оралиғини Гулдиоров бува ёки Минг булоқ деб аташади.

Ўзбекистон қадим замонлардан суғорма деҳқончилик ватани ҳисобланади. Асосан дарёлар бўйида деҳқончилик ривожланган бўлса ҳам қишлоқларда, тоғ олди манзилларида булоқ сувларидан фойдаланиб келинган. Гулдиоров ҳам ана шундай манзиллардан бири. Қишлоқдаги маҳалла, кўча умуман жой номларининг ҳаммаси деярли сув билан боғлиқ, яъни гидронимлардир.

Қишлоқ асосан тўртта маҳаллага бўлинган:

- 1.Гулдиоров
- 2.Сой

### 3.Тўда майиз

### 4.Булоқ

Гулдиоров маҳалласи қишлоқнинг маркази бўлиб, юқорида таъкидланганидек энг кўп булоқлар жойлашган манзил.

Сой маҳалла қишлоқдаги энг катта сойнинг ҳар икки томонида жойлашган. Баҳорги ёғингарчилик пайтлари жуда кўп сел келади. Ана шу селхоналарни Сой деб аташ расм бўлган. Аммо Сойда сув доимо оқмайди.

Тўдамайиз маҳалласининг номи ҳам сув билан боғлиқ. Бу жойда қир этакларидан ўнлаб булоқлар оқиб чиқади. Булоқ ичларида сумбуллар, сув ичидаги тошларда майизга ўхшаш сув ўтлари тўп-тўп бўлиб ўсади. Шу сабабли бу маҳаллани Тўдамайиз деб аташади.

Булоқ маҳалласи ҳам Бирлашган қишлоқидан келадиган катта селхона – сойнинг икки томонида жойлашган. Бу ердаги аҳоли асосан булоқ сувларидан фойдаланишади. Бу маҳаллада ҳам бир неча булоқлар мавжуд. Шунингдек, бу ерга Тўдамайиз маҳалласидан иккита ариқ оқиб келади.

Гулдиоровда ариқлар жуда кўп. Энг каттаси Ёнариқ бўлиб, қишлоқнинг ўртасидан оқиб ўтади ва Кўшан қишлоғигача боради. Тепа ариқ, Паст ариқ, Ўрта ариқ, Тегирмон ариқ, Гулдиоров ариқ, Закан ариқлар ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқда булоқлар сон-саноксиздир, шу билан бирга қудуқлар ҳам бор. Қудуқ сўзи бу қишлоқда тамоман бошқа маънода ишлатилади. Одатда қудуқлар ердан кавлаб, суви тортиб олинади. Гулдиоровдаги қудуқлар эса қир-ёнбағриларида қазилган бир неча чуқурликларни ер остида бирлаштириш орқали сув чиқариладиган иншоатдир. Бундай сув иншоатларини коризлар деб аталади. Булоқлар табиий равишда чиқиб ётса, кориз – қудуқлар алоҳида усулда ва жиҳозлар ёрдамида чиқарилган. Гулдиоровда Болтавой буванинг қудуғи, Тоживой буванинг қудуғи, Қозғон булоқ, Эрмат сўфининг қудуғи, Худойназар буванинг қудуғи, Нормат буванинг қудуғи, Мирзақул старчи (старший)нинг қудуғи каби ўнга яқин коризлар бўлган. Ҳозир улардан фақат иккитаси қолган холос.

Гулдировдаги қудуқ деб аталаётган бу ер ости сув иншоатлари тарихан кориз деб аталган экан. Коризлар жуда қадимий сув иншоатлари ҳисобланиб, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон, Кавказorti давлатларида жуда кенг қўлланилган. Ватанимизда Жиззах, Самарқанд вилоятларида юзлаб коризлар қазилган ва улардан ҳозир ҳам асосий суғориш шаҳобчаси сифатида фойдаланилади. Аммо Фарғона водийсида фақат Гулдиров қишлоғидагина коризлар борлиги маълум бўлди.

Умуман бу коризларнинг қачон ва кимлар томонидан қазилганлиги алоҳида мавзу бўлганлиги учун бу ўринда тўхталмадик.

Гулдировда Кўл, Шолипоя, Орол, Жилға, Мозоржилға, Кўшан ариқ, Катта закон, Кичик закон каби ва юқорида тилга олинган ариқ номлари билан боғлиқ атоқли отлар, ҳамда солма, шовва, ташлама, кўтарма каби атамалар қўлланади.

Қисқа қилиб айтганимизда, Гулдировдаги сув билан боғлиқ бўлган жой номлари — гидронимлар халқимизнинг суғориш иншоатлари ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланиши ўзига хос сабабларга эгалигини билдиради.

Гулдиров сув иншоатларини 5 та қисмга бўлиш мумкин:

1. Табiiй булоқлар
2. Қудуқ – коризлар
3. Ариқ ва сойлар
4. Шифобахш булоқлар
5. Артезиан қудуқлари

Гулдировда Сўгал булоқ, Йўтал булоқ, Қўтир булоқ каби шифобахш сувли булоқлар жойлашган дала бор. Қўлига сўгал тошган одамлар бир неча марта ихлос билан Сўгал булоқ сувида ювсалар сўгаллари йўқолган. Йўтал булоқ суви сурункали йўтал бўлганларга шифо бўлган. Баданида турли тошмалар бўлган инсонлар Қўтир булоқ сувида ювинганлар ва даво топганлар.

Гулдиров қишлоғидан доим оқиб ўтувчи иккита сой бўлиб, биринчиси Янгиқўрғон туманидан, иккинчиси Қўриқ қишлоғидан оқиб келади.

Ҳар иккала сой бирлашиб Гулдиров булоқлари оқадиган ариқларга қўшилади ва Кўшансойни ташкил қилади.

Гулдировда жами саккизта артезиан қудуқлари мавжуд. Улар асосан Чортоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган водопроводлар учун хизмат қилади.

Мўминжон Сулаймонов Наманган вилояти

Чортоқ тумани Гулдиров қишлоғи. 20 сентябр 2004 йил.